

Бу йилги ҳожилар учун ўзига хос қулайлик



10:00 / 08.07.2019 2646

Жорий йил Ҳаж мавсумида ҳожиларга қулайлик яратиш мақсадида Мино водийсида илк бор баланд бўйли чодирлар ўрнатилиши режалаштирилмоқда. Бу ўз навбатида зиёратчилар сонининг ортишига ва турли ноқулайликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Бу ҳақда islam-today.ru нашри хабар беради.

Ҳар бир чодир саккиз кишига мўлжалланган бўлиб, чодирлар оловга чидамли материаллардан тайёрланган ва улардан фойдаланиш жуда ҳам қулай. Махсус дизайн асосида тайёрланган чодирларни йиғиш ва олиб ташлаш жуда осон. Бу эса ташкилотчиларнинг ҳам ишини енгиллатади.

Мазкур чодирнинг биринчи қавати уй ходимларига ва озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун ишлатилса, юқори қаватларда зиёратчилар яшайди.

